

“Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!”

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 31 (1497)

2024-YIL 2-AVGUST, JUMA



ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

SAYLOV
2024
27-OKTABR

MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!



ПАРТИЯМИЗ ҲОЯЛАРИ ҲАР БИР ҲУДУД, ҲАР БИР МАҲАЛЛА, ҲАР БИР ХОНАДОН ВА ҲАР БИР ҚАЛБДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик
партияси Сиёсий Кенгаши раиси
Робахон Махмудованинг партия
XIV Пленумидаги маърузаси

Биз бугун сизлар билан халқимиз, Ватанимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жа-
раён бошланиши арафасида учрашиб турибмиз.

Ҳаммаларингизга маълум, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов ко-
миссияси жорий йилнинг 27 октябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-
лиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловини ўткази-
ш тўғрисида қарорини эълон қилди.

Қайд этиш жоизки, жорий йилги сайловлар мутлақо янги конституция-
вий-ҳуқуқий шароитларда бўлиб ўтади. Зеро, тараққиётимизнинг устувор йўна-
лишларини белгилаб берувчи янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Консти-
туциясида жамиятда адолат ва бирдамликни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ
ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини назарда тутувчи
конституциявий асослар мустаҳкамланди.


Пленум

ҲАР БИР ОВОЗ УЧУН КУРАШАМИЗ!



Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий
Кенгашининг навбатдаги XIV Пле-
нуми бўлиб ўтди.

Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзо-
лари, Олий Мажлис Қонунчилик па-
латасидаги “Адолат” СДП фракцияси
аъзолари, сенаторлар, маҳаллий Кен-
гашлар депутатлари, партия фаол-
лари ва оммавий ахборот воситалари
вакиллари иштирок этишди.



ПАРТИЯМИЗ ҒОЯЛАРИ ҲАР БИР ҲУДУД, ҲАР БИР МАҲАЛЛА, ҲАР БИР ХОНАДОН ВА ҲАР БИР ҚАЛБДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудованинг партия XIV Пленумидаги маърузаси

1 Барчангизга маълумки, сайлов партиямиз учун ўтган даврдаги фаолиятига чинакам баҳо бериладиган муҳим сиёсий жараён бўлиши билан биргаликда, вакиллик органларига ўз номзодларимизни кўпроқ сайлаш орқали мақсад ва ғояларимизни самарали амалга оширишда, жамиятдаги ўрнимизни мустақамлашда, бир сўз билан айтганда, келгусидаги муваффақиятларимизни таъминлаб берувчи асосий имконият ҳамдир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасига мувофиқ, **Қонунчилик палатаси депутатлигига ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган ҳолда мазкур сайловда иштирок этишни эъълон қилади.**

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, “Адолат” социал-демократик партияси жорий йилда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга бор куч-имкониятини ишга солиб, катта масъулият ва юксак умидлар билан қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Энди бу йилги сайловнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида қисқача тўхталсак.

Маълумки, 2023 йил 18 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан мамлакатимизда парламент қўйи палатаси сайловлари мутлақо янгича тизим – мажоритар-пропорционал сайлов тамойилларини ўзида мужассам-

лаштирган – **аралаш сайлов тизими** асосида ўтказилиши белгиланди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон дунё конституционализм амалиётида аралаш сайлов тизimini жорий этган 37-мамлакат ҳисобланади.

Унга кўра, Қонунчилик палатаси депутатларининг **75 нафари** (50 фоизи) одатдагидек **мажоритар сайлов тизимига** мувофиқ бир мандатли сайлов округларидан сайланиши, қолган **75 нафари пропорционал сайлов тизими** асосида ягона сайлов округида партиялар томонидан кўрсатилган партия рўйхати бўйича сайланиши белгиланди.

Биз учун янги амалиёт бўлмиш – аралаш сайлов тизимида **ҳар бир овоз учун кескин кураш** кетиши барчамиз яхши англаб олишимиз даркор. Бу, ўз навбатида, янада қизгин соғлом рақобат муҳитида сиёсий партиямиздан **сайловчиларнинг юксак ишончини қозониш, сайловчиларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи асослантирилган тақлифлар ва ташаббусларни, эзгу ғояларни илгари суришини талаб** этмоқда.

Ҳаммангизга яхши аён, “Адолат” СДП 2019 йилги Сайловолди дастурида жамиятда **қонун устуворлиги, судлар мустақиллигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш** борасида муҳим ташаббусларни илгари сурган эди.

Утган беш йилликда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида партиямиз томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди.

“Адолат” СДП Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш жараёнига катта ҳисса қўшиб келмоқда, дейишга етарлича асосларимиз бор. Хусусан, қонун ижодкорлиги йўналишида партиямиз томонидан амалдаги қонунчиликда **инсон қадрини юксалтириш, унинг**

шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган 40 га яқин ташаббуслар илгари сурилди ва улар амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топди. Бугун мазкур ташаббуслар халқимизнинг ҳаётида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, эришилган ютуқлар қаторида ҳали мазкур йўналишларда қилиниши керак бўлган ишларимиз ҳам кўп. Шу нуқтаи назардан, партиямиз келгусида ҳам **адолатли жамият қуриш, фуқаролар манфаати ва ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашда** юқорида қайд этилган йўналишларга катта эътибор қаратади.

Қадрли партиядошлар!
Ҳурматли пленум иштирокчилари!

Биз бўлажак сайловда халқимиз ва жамиятимиз ечимини кутаётган бир қатор йўналишларда муҳим ғоя ва тақлифларни илгари сурамиз.

Шу ўринда, мамлакат парламентида кўп ўрин эгаллашни таъминлашга қаратилган аниқ ва тизимли бўлган қуйидаги стратегик режаларимизни келтириб ўтишни истардим:

БИРИНЧИ стратегик режа: айни вақтда биз юртимиз ва жонажон халқимизнинг порлоқ истиқболи учун муҳим масалаларни ўзида мужассам этган **халқчил Сайловолди дастури**мизни ишлаб чиқамиз. Бу жараёнда биз жойлардаги партиямиз электорати, хайрихоҳлари ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг фикр ва тақлифларини тинглаймиз, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганамиз.

Шунингдек, Сайловолди дастури-мизни ишлаб чиқиш ва унинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга тўғри тушунириш мақсадида **сиёсий технологиялар ва имиджмейкерлар хизматларидан самарали фойдаланишни** режалаштирганмиз.

ИККИНЧИ стратегик режа: бу-

гунги сиёсий жараёнларда муваффақиятнинг асосий мезонларидан бири **сиёсий партиянинг сайловолди ташвиқоти жараёнида замонавий рақамли технологияларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш** ҳисобланади. Шу мақсадда, партиямиз сайловга тайёргарлик жараёнида рақамли технологияларнинг бугунги кундаги мавжуд барча имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бунда онлайн интернет платформалари, Youtube видеохостинги ва ижтимоий тармоқлар орқали мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Сайловолди стратегияларимизни айланиш шакллари асосида шакллантиряймиз.

УЧИНЧИ стратегик режа: мамлакатимизда бугунги кунда **сайловчиларнинг қарийб ярмини ёш сайловчилар ташкил этади.** Бу эса сиёсий партиямиз томонидан ёш сайловчилар билан алоҳида ишлаш, уларда партиямизга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиришимиз зарурлигини англатади. Бунинг учун партия тизимида ёш сайловчилар ўртасида турли тарғибот тадбирларини ўтказиш муҳим ҳисобланади. Чунки **ёш сайловчиларнинг ишончи биз учун ғалабани қафолатлаши** аниқ.

ТҮРТИНЧИ стратегик режа: партия тизимидаги **хотин-қизлар билан ишлашга масъул бўлган тузилмалар** томонидан мамлакатимиздаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган **хотин-қизлар ўртасида партиямиз ва дастурларимиз ҳақида кенг кўламли тарғибот ишларини олиб боришимиз** муҳим аҳамият касб этади.

БЕШИНЧИ стратегик режа: хорижда меҳнат қилаётган ва турли юмушлар билан юрган юртдошларимиз ўз овозларига эга сайловчи-

лардир. Шу туфайли, хориждаги сайловчилар билан яқин мулоқот ўрнатиш, Сайловолди дастури-миздаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига доир янги ташаббусларимизни уларнинг эътиборига ҳавола этишимиз **сайловда жуда катта қўллаб-қувватловчи овозга эга бўлишимизни** қафолатлайди. Бу борада ҳам тизимли ишларни ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

ОЛТИНЧИ стратегик режа: бугунги кунда партиямиз сафида **1 104 283 нафар аъзо жамланган бўлиб, уларнинг 54 фоизи ёки 595 208 нафари аёллар, 39 фоизи ёки 430 689 нафарини ёшлар ташкил этади.** Ўз Сайловолди дастури-мизни мукамал ишлаб чиқиш, сайлов жараёнида ғоя ва ташаббусларимизга сайловчиларни ишонтириш борасида, албатта, энг катта кучимиз – бизнинг фидойи ва заҳматкаш аъзоларимизга таянамиз. **Сизнинг қўллаб-қувватловингиз – бизнинг энг катта ва ишончли таянчимиздир!**

Шунингдек, сайловларда партия ғояларини аҳолига ўз вақтида ва самарали усулларда етказиш, фуқароларнинг онгли овоз беришини таъминлаш, ишончини ошириш ва кўпроқ овоз олишда муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, партиямиз мақсад ва ғояларини аҳолига самарали етказишда биз ҳар сайловда ўтган даврдаги фаолият ва тажриба-

дан келиб чиқиб, янада натижадор, янада янгича ёндашувлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Бу галги сайлов жараёнларида ҳар йилги анъанавий усуллар билан бир қаторда қўллаб-қувватловчи ёндашувлар устида изланмоқдамиз. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар барчамизнинг турмуш тарзимизга, кундалик ҳамроҳимизга айланиб улгурди. Бугун ҳар бир янгилик, хабар, жойлардаги муаммолар, муҳим ташаббус ва тақлифлар, биринчи навбатда, ижтимоий тармоқларда кенг тарқалмоқда ва ушбу платформаларнинг ахборот тарқатишдаги қудратига аққол гувоҳ бўлаяпмиз. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ўз ғояларимизни ижтимоий тармоқлар орқали сифатли, қисқа, мазмунли видео ва инфографика кўринишида етказишни режалаштиряймиз.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугун инсонларга маълумотларнинг **90 фоизи Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқлар орқали етказилмоқда.** Шу боис сайлов тарғиботининг миллий, замонавий ҳамда хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда, қўллаётган муҳим сиёсий жараён учун партия экспертлари, медиа соҳаси вакиллари жалб қилиб, ўз медиа-режамизни ишлаб чиқаяпмиз. Ишонамизки, ахборотни замонавий ва жозибали усулларда етказишга қаратилган ёндашувларимиз ўз самарасини беради.

АДОЛАТ – ҲАР БИР ИНСОН УЧУН

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова таъкидлаб ўтганидек, жорий йил 27 октябрь куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтиши ҳақида Марказий сайлов комиссиясининг 26 июлдаги қарори билан сайлов кампаниясига старт берилди.

Биз адолатчилар, албатта, ушбу сайловларда юқори даражада муносиб иштирок этишимиз зарур. Шу мақсадда, 27 июль куниёқ Сиёсий Кенгаш ижроия қўмитасининг ййғилишини ўтказиб, сайловга қатнашиш истагимиз юқори эканлигини кенг жамоатчиликка маълум қилдик.

Сизларга яхши аён бўлганидек, сайловда самарали иштирок этишнинг икки жиҳати бор. Биринчиси муносиб номзодни илгари суриш бўлса, иккинчиси халқимизга манзур бўладиган Сайловолди дастурини тақдим этишдир.

Бизнинг мақсадимиз сиёсий майдонга пухта ишланган, партиянинг 2024-2029 йилларга йўналтирилган халқчил ва мамлакат тараққиётини таъминловчи ҳаётбахш ғоялари билан суғорилган Сайловолди дастури билан чиқиб боришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий

ваколат муддати тугайдиган йилда – октябрь ойи учинчи ўн кунлигини биринчи яшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олган ҳолда, партиянинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури лойиҳасини ишлаш жараёни жорий йилнинг январь ойида-ноқ бошланган.

24 январь куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 52-сон мажлиси 2-сонли қарори асосида “2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурини тайёрлаш” бўйича чора-тадбирлар режаси, ишчи гуруҳи ва экспертлар гуруҳи тасдиқланиб, ишга киришилди.

Ижроия қўмита қарори асосида 50 нафардан ортиқ мамлакатимизда ва хорижий давлатларда фаолият олиб бораётган академиклар, олимлар, вазир ўринбосарлари, Омбудсман вакиллари, ОТМ ректорлари, про-

фессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар ва жамоатчилик вакиллари-дан иборат экспертлар гуруҳи ишни электорат фикрини ўрганишдан бошлади.

Сайловолди дастури лойиҳасини тайёрлаш учун экспертлар маслаҳатлашуви жараёнида дастлаб 7 та муҳим йўналиш белгилаб олинди. Аммо жамоатчилик вакиллари фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида дастур йўналишлари 9 тага етказилди.

I. Ҳуқуқий давлат барпо этиш - пировард мақсадимиз.

II. Адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш ва демократик институтларни ривожлантиришга доим шаймиз.

III. Иқтисодийётнинг барқарор ривожини таъминлаш муҳим вазифамиз.

IV. Кучли ижтимоий сиёсат – халқ фаровонлигининг қафолати.

V. Халқ саломатлиги – улкан бойлик, жамият барқарор ривожланиши фаровон турмуш гаровидир.

VI. Оилани мустақамлаш, хотин-қизларни қўллаб қувватлаш, ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш ва болаларнинг ҳимоясини кучайтириш муҳим вазифамиз бўлади.

VII. Мусаффо ҳаво, яшил табиат, сув тежамкорлиги – узоқ умр ва барқарор тараққиёт қафолатидир.

VIII. Коррупцияга қарши курашиш – устувор вазифамиз.

IX. Тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги йўналишлари.

“Халқдан олиб халққа берамиз”



Абдукамол РАХМОНОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раисининг
биринчи ўринбосари

шиори остида қизгин давом этган жараёнларда халқимиз орасидан 20 мингдан ортиқ тақлифлар, ғоялар йиғиб олинди, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар томонидан таҳлил қилинди.

Тақлифларни шакллантириш, ғоялар жамият ҳаётига уйғунлигини аниқлаш ҳамда энг долзарбларини белгилаб олиш мақсадида ҳар бир йўналиш бўйича экспертларимиз томонидан соҳа мутахассислари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари билан муҳокамалар ўтказилди.

Шу билан биргаликда, Сайловолди дастурида фойдаланиш мақсадида 150 дан ортиқ хорижий давлатлар тажрибаси (Россия, Европа давлатлари, АҚШ, Осиё ва МДХ давлатлари, Скандинавия, Сингапур ва бошқа ривожланган давлатлар), сиёсий партиялари фаолияти, социал-демократик партиялар Сайловолди дастурлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистонга мос бўлган 1000 га яқин илгор тақлифлар устида муҳокамалар ўтказилди.

Миллий ва хорижий илгор тажрибаларга таянган ҳолда дастурла-

римиз лойиҳасида замонавий социал-демократиянинг энг илгор ғоялари, қадриятлари ва мақсадлари миллий қадриятларимизга мос ҳолда сингдирилади. Уларда социал-демократиянинг адолатлилик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик ғоялари устуворлик касб этган.

Шунингдек, сайлов тарғиботи ва қақирқиқлари учун 100 дан ортиқ шиорлар тайёрланиб, экспертлар муҳокамасига ҳавола этилди. Сайловолди дастури бобларига мутаносиб ва энг жарангдор бўлган 2 та бoш шиор, 8 та қисқа ва 15 та умумий шиор танлаб олинди.

Бундан ташқари, партиянинг ҳудудий Кенгашлари ҳам ўз ҳудудий муаммоларидан келиб чиқиб, Сайловолди дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ишларини амалга оширишмоқда.

Шу билан бирга, янги ишлаб чиқилётган Сайловолди дастури лойиҳасида илгари сурилаётган жами 200 дан ортиқ тақлифлар таҳлил қилинди, улар зарурати юзасидан асослантирилган маълумотлар тайёрланди.

Сайловолди дастурини кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳозирда-ноқ сайловолди ташвиқоти бошланиши билан марказий ва маҳаллий ОАВлари орқали ташкиллаштирил-диган дебатларда, кўрсатувларда, шу билан бирга, сайловчилар билан учрашувларда сўзлайдиган фаол, сиёсий жараёнлардан хабардор, нотик-лик маҳорати-га эга, воизлик қобили-яти мавжуд бўлган партия фаоллари, депутатлар ва хайрихоҳлардан иборат 300 нафарга яқин партия фаол-лари рўйхати шакллантирилди.

Инсон ҳуқуқларини олий қадрият даражада эътироф этиш ва бу бора-да мустақамлаш жамия кўрғони яра-тиш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, миллий, диний ман-сублиги, жинси, ёши ва бошқа бел-гиларидан қатъий назар камситили-шига қарши курашиш, адолат – ҳар бир инсон учун тамойилга амал қи-лиш дастури-мизнинг асосий йўна-лишларида ўз ифодасини топмоқда. Зеро, ушбу тақлифлар халқимиз, ху-сусан, электоратимиз манфаатларига хизмат қилсин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси буюк мақсадларга қақат адолат билан эришиши мумкин деб ҳисоб-лаб, сайловларга барча учун тенг имкониятлар ва адолатли жамиятни қарор топтириш мақсадида кириб келмоқда.

Биз дастур лойиҳаси устида янада кўпроқ ишлашимиз, ҳар бир банди юзаси-дан мунозарали муҳокамалар уюштиришимиз, партия Курултойи-га узоқ ва яқин келажак учун асослан-тирилган, партиянинг ғоя ва мақсадлари синдирилган дос-турий вазифаларимизни тақдим этишимиз зарур. Бунинг учун ҳар биримиздан, айниқса, Сиёсий Кенгаш аъзоларидан янада фаоллик талаб этилади.

Дастури-миз ҳар бир инсоннинг адолатли турмуш кечирishi учун хизмат қиладиган дастуриламал ҳужжат бўлишига ишонамиз.



ҲАР БИР ОВОЗ УЧУН КУРАШАМИЗ!

1 Маълумки, жорий йил 27 октябрь куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтиши ҳақида Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан сайлов кампаниясига старт берилди.

Пленумда мазкур сайлов янги амалийёт – аралаш сайлов тизимида ҳар бир овоз учун кескин кураш кетиши, бу, ўз навбатида, янада қизгин соғлом рақобат муҳитида сайловчиларнинг юксак ишончини қозониш, “Адолат” СДП томонидан сайловчиларнинг орзу-истакларини рўйбга чиқаришга хизмат қилувчи асосланган тақдирларни тақдирлаш ва таъбиқлаш, эзгу ғояларни илгари суриши талаб этиши қайд этилди.

Шу билан бирга, сайлов – “Адолат” СДП учун ўтган даврдаги фаолиятига чинакам баҳо берадиган, муҳим сиёсий жараён саналади ҳамда вакиллик органларига ўз номзодларини кўпроқ сайлаш орқали мақсад ва ғояларини самарали амалга оширувчи, мамлакат сиёсий-ҳуқуқий майдонидagi ўрнини мустақамловчи, бир сўз билан

айтганда, келгусидаги муваффақиятларини таъминлаб берувчи имконият ҳамдир.


Шу боис, Пленумда “Адолат” СДПнинг сайловда муносиб иштироки бўйича стратегия режалари белгиланди.

Пленумда партиянинг 2024-2029 йиллар учун мўлжалланган Сайловолди дастурини тайёрлаш учун партия электорати, хайрихоҳлари ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг фикр ва тақлифларини олиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва улар бўйича манзилли ечимлар тақлиф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди, шунингдек, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда Сайловолди дастурини аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга йўналтириш белгиланди.

Шундан сўнг сайловда муносиб иштирок этиш учун партиянинг салоҳияти етарли эканлиги, галдаги бош вазифа сайлов жараёнида яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, партияда депутатликка муносиб номзодларни кўрсатиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Сайловда иштирок этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум сўнгида “Адолат” социал-демократик партияси бўлажак сайловларда муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб бўлишига ишонч билдирилди ва барча фаолларни сайловларда иштирок этишга чақирилди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



Нурлыбай ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

Олдимизда барчамиз учун гоятда муҳим саналган сиёсий таъбир турибди. Жорий йилнинг 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоятлар, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловда “Адолат” социал-демократик партияси муносиб иштирок этишига ишонаман.

Бугунги кунда республикада ҳудудлар кесимида экологик ҳаёфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитар ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасидаги сиёсат изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизда Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, денгиз тубидаги сувни қуриган ҳудудларда ўрмонзорларни кенгайтириш, «Яшил макон» умумий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Қолаверса, Оролбўйи аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича ҳоржзий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда кенг қўлмалли ишлар давом этмоқда.

Лекин шунга қарамасдан, экология, атроф-муҳитни асраш ва сув танқислиги муаммолари ҳали ҳамон долзарблигига эга. Бугун дунё бўйлаб 780 миллиондан ортиқ одам тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. 1,7 миллион одам тоза сувга муҳтож. Дунёда тоза сув етишмаслиги ва антисанитария туфайли ҳар йили минглаб одамлар ҳалок бўлади. 2 миллион 300 миллиондан ортиқ одам эса санитария талабларига жавоб берадиган сув истеъмол қилишга мажбур.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2050 йилга қадар сувга бўлган талаб яна 50 фоизга ошади. Шу рақамларнинг ўзи ҳам табиатини бебаҳо нъмат бўлган оби-ҳаётдан тежамкорона, оқилона фойдаланишга ундайди.

“Адолат” СДП ҳам аҳоли манфаатларини кўзлаган ҳолда «Орол муаммоси» каби янги муаммо пайдо бўлмасдан туриб, жойларда ҳамон давом этаётган тоза ичимлик сувига бўлаётган «тажовузуларни тўхтатиш тарафдори.

“Адолат” СДП Конституциямизда белгиланган “Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи”ни амалда тўлақонли рўйбга чиқариш йўлидан боришни мақсад қилган бўлиб, юқорида тилга олинган муаммоларнинг нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки бутун дунё учун ҳам долзарблигини англаган ҳолда бу каби муаммоларни бартараф этиш бўйича аҳолининг, экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, ўзининг янги Сайловолди дастури лойиҳасида акс эттиришга ҳаракат қилмоқда.

Бугун экология ва атроф-муҳит масаласи Тошкент шаҳрида ҳам муаммога айлангандан барчангизнинг хабарингиз бор. Шу сабабли партияимизнинг Сайловолди дастурида юртимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳолига барқарор ҳаёт кечирish имконини яратиш юзасидан ташаббусларни илгари суришимиз лозим.



Беҳзод ГЎХТАМУРОДОВ, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, жисмонан соғлом, интеллектуал салоҳиятли, маънан баркамол бўлиб ўлгайиши, уларнинг қилган меҳнати ҳамда эришган ютуқларига яраша рағбатлантиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, “Адолат” социал-демократик партияси ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тарафдори бўлиб, ўз Сайловолди дастурларида мамлакат тараққиётини кўзловчи, жамиятни юксалтирувчи муносиб ғоялар ва чақириқлар билан иштирок этиб, ёшлар масаласига алоҳида ургу бериб келган.

Шу пайтгача ҳам партия Сайловолди дастурларида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, масофавий таълимни жорий этиш, таълим сифатини халқаро стандартларга мослаштириш, квоталарни бекор қилиш, ОТМларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тартибига ўтказиш, камда 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та олий таълим муассасалари рўйхатига, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та олий таълим муассасалари рўйхатига кириштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишнинг илҳомини ва бугун бу борада партиянинг кўп ғоялари амалга ошганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Албатта, бизнинг партияимиз бўлажак сайловларда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг манфаатларини кўзлаган, уларга фаровон турмуш шароитларини яратиш мақсад қилган тақлиф ва ташаббуслари билан иштирок этиши керак.

Сайловолди дастурида ишлаб чиқилган жараёнда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига нисбатан қатъий жазо чораларини қўллаш, таълим жараёнидаги илгор замонавий технологияларни жорий этиш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, уларни нафақат жисмонан, балки сиёсий, маънавий ва ахлоқий етук, қомил инсон қилиб вояга етказиш, ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган ғўридош, фидойий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, “IT”, хорижий тиллар, спортга жалб қилиш, хориждаги ёшлар билан ишлаш каби муҳим масалаларга эътибор қаратиш мақсадага мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Зеро, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажак учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадага интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шундай экан, барча партиядошларимизни бўлажак сайловларда бир ёқадан бош чиқариб, Ватан келажак ва тараққиёти учун хизмат қиладиган мукаммал Сайловолди дастури билан иштирок этишга чақириб қолам.



Шаҳноза ҒАНИЕВА, Фарғона вилоят кенгаши раиси

Мамлакатимизда Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш жараёнига аралаш сайлов тизимининг жорий қилинганлиги, энг аввало, республикадаги фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг янада самарали фаолият олиб боришига, парламент аъзоларининг тегишли партия олдидаги масъулияти орттиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, янги тақдирдаги Конституциямизда белгиланган нормаларни ҳаётга изчил таъбиқ этиш мақсадида Сайлов кодексининг 70- ва 91-моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизга ошириш назарда тутилди.

Бу эса гендер тенгелигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқаришга имкон беради.

Таъкидланганидек, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янаи Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишловлар амалга оширилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари мустақамланмоқда.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ошиб, давлат бошқарувидаги иштироки янада кенгайиб бормоқда. Биргина мисол, айти пайтда Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизини, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 25 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Аёл депутатлар палатанинг норма ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти, фракциялар ва қўмиталар томонидан олиб борилаётган ишларда алоҳида фаоллик кўрсатиб келмоқдалар. Жумладан, тўртинчи қаҳирқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг ўтган даврида, яъни 2020-2023 йиллар давомида аёл депутатлар 23 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва парламент муҳокамасига киритишда бевосита иштирок этган. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қонунлар ва қарорларнинг қабул қилинишида хотин-қизларнинг сўзи, фикри инобатга олинаётганлигини кўрсатмоқда.

“Адолат” СДПнинг хотин-қизларни олий таълимга жалб қилиш орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини юксалтириш, раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар сонини кўпайтириб, уларнинг, ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келаятгани ҳам сайловчилар томонидан ижобий баҳоланиб, партия сафида хотин-қизлар сонининг ошишига олиб келди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам бўлажак сайловларда ўз номзодларини илгари суриб, уларнинг фаол иштирок этиши масалаларини ҳал қилиб олишимиз мақсадага мувофиқ деб ҳисоблайман ва барчангизни сайлов кампаниясида фаол иштирок этишга чақираман.

“ДЕКРЕТ” НАФАҚАСИ ишлаган ҳар бир аёлга берилиши зарур

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси давлат ижтимоий сугуртаси тизими, уни ташкил этиш ҳамда давлат ижтимоий сугуртаси тўловларини тўлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан эътиборга молик. Таклиф этилаётган лойиҳа билан Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар, жумладан, касаллик – ишчиларнинг бетоблиги сабабли меҳнатга лаёқатсизлиги нафақаси, “декрет” – аёлларнинг туғуруқча ва туғуруқдан кейинги даври учун нафақа ҳамда ишдан бўшатиш – фуқароларнинг вақтинча ишсизлиги даврида тўланадиган нафақалар турлари белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада Ижтимоий сугурта жамғармаси томонидан аҳолини сугурталаш тизими жорий этилиши белгиланган. Хусусан, инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида

(ўзи ёки фарзанди касал бўлганида, қисқа даволанишда, туғруқ даврида) ёки ишсиз қолганида ижтимоий сугурта жамғармаси ҳисобидан Ижтимоий қўллаб-қувватланади.

Муҳокамалар давомида фракция аъзоси Олтиной Мамирова қонун лойиҳасининг аҳамиятига эътибор қаратиб, унда назарда тутилаётган нормалар партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг эканлигини таъкидлади.

Унинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фаолият туридан қатъи назар ишлаётган ходимларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳамда ишдан бўшатиш нафақаси тўлиқ тўланиши, ижтимоий фаол аҳолининг камбағал оилалар тоифасига тушиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, фракция йиғилишида “Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат мудофаа буюртмаси соҳасидаги асосий тушунчалар, давлат мудофаа буюртмасининг асосий мақсад ва вазифалари, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш, давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш ва бажариш ҳамда махфийлик тартибини белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш, жойлаштириш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ягона ҳуқуқий механизми яратилиб, давлат мудофаа буюртмасини шакллантириш, жойлаштириш ва бажариш соҳасида давлат органларининг аниқ ваколатлари белгилаб берилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган ушбу ва бошқа қонун лойиҳалари депутатлар томонидан маъқулланди.

Юзма-юз мулоқот

Юртимизда инсон кадрини улуғлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдек олий кадрият мужассам. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам жойларда аҳоли билан мулоқотга киришиб, одамларнинг оғирини енгил қилиш чораларини кўришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг давлат ва жамиятга бўлган ишончини янада мустаҳкамланмоқда.



“САДДА ТАГИ”ДАГИ ГУРУНГ

Кейинги йилларда республикамызда маҳалла институтига бўлган эътибор кескин ордиди. Чунки маҳалла халқимизнинг турмуш тарзи, маънавий эҳтиёжи, тафаккури, инсонларнинг ўзаро қўшничилик алоқалари, оилавий муносабатларни шакллантирувчи ўзига хос маскан демакдир. Эндиликда барчамиз янги бир иш бошлашда ҳам, мавжуд муаммолар ечимини топишда ҳам МФЙга суянамиз. Айтиш мумкинки, маҳалла аҳолига ижтимоий кўмак кўрсатишнинг адолатли ва таъсирчан институтига, одамларга энг яқин халқчил тузилмага айланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адхамжоновна иштирокида Андижон туманидаги “Садда таги” МФЙда ўтказилган давра суҳбати аини шу мавзуга бағишланди. Унда сўз олган халқ вакили кейинги вақтда қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар, маҳалла институти олдига қўйилган вазифалар ва фуқаролар билан ишлашда берилган имкониятлар тўғрисида тушунча берди. “Маҳалла еттилиги” бугун жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётгани, фуқароларнинг ҳар қандай муаммоси ўша жойининг ўзида ечим топаётганини кўрсатиб ўтди.

Ўз ўрнида “Садда таги” МФЙ фаолларининг иш фаолиятига эътибор қаратилди. Ушбу маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ободонлаштиришда ўзига хос мактаб яратилгани эътироф этилди.

– Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида бугун маҳалла чин маънода юртлиоларимизнинг энг ишончли институтига айланмоқда. Жумладан, “Садда таги” МФЙда амалга оширилаётган ишлар бизни қувонтирди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адхамжоновна.

ЖАЛАҚУДУҚДА “БУВИЖОНЛАР МАКТАБИ”

Бугунги кунда жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш долзарб вазифага айланди. Чунки аёл нафақат оиланинг, балки бутун жамиятнинг тарбиячиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной Мамирова Жалақудуқ туманида фаолият юритаётган “Бувижонлар мактаби” кенгаши аъзолари билан аини шу мақсадда маҳаллаларга кириб борди. Уй бекалари ва кекса онахонлар иштирокида ташкил этилган тадбирда аёлнинг жамиятдаги роли, оила институтини мустаҳкамлаш ва ёшлар тарбиясида кекса авлод вакилларининг ўрни хусусида сўз борди. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамиятда гендер тенгликни таъминлашда уларнинг фаоллиги асосий омил эканлиги таъкидланди.

Миллийлигимизни ифодаловчи сахналаштирилган чиқишлар, миллий либослар кўргазмаси жалақудуқлик аёлларнинг фаоллигини кўрсатди. Пиру бадавлат онахонларнинг оила ва фарзанд тарбияси мавзусидаги сўзлари иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

МАКТАБ ИСИТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоевнинг Хоразм вилояти Хонқа туманидаги сайловчилар билан учрашди.

“Агробанк” АТБ Хонқа филиалида бир гуруҳ туман кенгаши депутатлари ва банк хохимлари билан учрашувда Хонқа туман иқтисодиёт ва молия бўлими раиси Дилшод Абдуллаевнинг 2024 йил биринчи ярим йилликдаги маҳаллий бюджет ижроси, шунингдек, маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш ҳамда манбалардан



тез кунда янги иситиш қозони ўрнатиб берилгани, мактаб теварак-атрофини темир панжара билан ўраб олиш масаласи ҳам тез кунда амалга ошириладиган бўлди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



Диёримиз фахрига айландинг, Диёра!

Албатта, ҳар бир инсон дунё миқёсида ўз давлати, Ватани номининг юксак ҳурмат билан тилга олинишини эшитса, байрогининг жаҳон ареналарида ҳилпираб туришини кўрса, ўзида тақдорлармас ва ажиб гурур-ифтихор туйғуларни ҳис қилади, юраги қувончдан ҳапқиради. Айниқса, бу юзлаб мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган халқаро мусобақалар, хусусан, олимпиада мусобақаларида юз берса, бундан ортиқ бахтиёрлик бўлмаса керак.

Мана шундай туйғулар, қувонч ва фахр ҳиссини биз кун кеча “Париж –2024” ёзги олимпия ўйинларида дэюдочимиз Диёра Келдиёрованын эришган шонли галабаси орқали ҳис қилдик.

Бу улкан ютуқ Ватанимизда спортга қаратилаётган эътиборнинг амалдаги натижаси сифатида эътироф этилмоқда. Шубҳасиз, бутун халқимиз қаторида бир миллион нафардан ортиқ “адолатчилар” ҳам Диёранинг чемпионлигига эришиши йўлидаги қизгин жанглари катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатди.

Ҳа, чемпионлик йўлидаги машаққатлар кам бўлгани йўқ. Мисол учун, дастлабки баҳсларда Диёранинг 5 йилдан бери маълумият нималигини билмай келаётган номдор япониялик дэюдочи Ута Абени маълумиятга учратгани, унинг 5 йиллик галабали сериясида чиройли услубда нўқта қўйгани ва япон қизининг кўз ёшлари жуда ҳаяжонли ва кўпчилик учун кутилмаган воқеа бўлди.

Уша онда чемпион қизимиздаги ҳақиқий спортчиларга хос юксак этика, босиқлик ва теран мушоҳадани кўриб, миллионлаб телетомошабинлар ҳайрон қолишди. Германиялик Маша Балхаус, мезбон спортчи Амандин Бушар, косовалик Дистрия Красничи билан кечан беллашувларда ҳам Диёра ўз маҳоратини намоиши этди ва ишончли галабага эришди.

Шу ўринда фахр билан қайд этиш лозимки, Диёра Келдиёрова юртимиз тарихида Ёзги олимпия ўйинларида аёллар ўртасида биринчи чемпионимиздир! Шунингдек, дэюдо бўйича биринчи олтин медал соҳибаси ҳамдир.

Айни фараҳли лаҳзаларда барча ватандошларимиз Диёранинг чемпионлигига эришганини тантана қилмоқда. Ҳа, Франция заминида қайд этилган натижа Диёранинг халқимиз, давлатимиз, шахсан Юртбошимизнинг эътирофи-эъзозига сабаб бўлиб, миллатимиз фахрига айланишига йўл очди.

Эндиликда миллионлаб ватандошимиз ўғил фарзандлари қатори қиз фарзандларини ҳам спорт машғулотларига жалб эта бошлайди, ўзбек қизлари ўртасида спортга муҳаббат янги нафасдаги оммавий ҳаракат сифатида тараққий этади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, “Адолат” социал-демократик партияси аъзолари ва ўзим номидан Диёрани эришган оламушул ва тарихий ютуғи билан қизгин қўллаб, халқаро миқёсдаги шонли галабалар ва зафарли юришлар бардавом бўлишини тилайман!

Шунингдек, Олимпия ўйинларида иштирок этаётган миллий терма жамоамиз таркибидида ҳар бир спортчимизнинг улкан натижаларга эришишига юксак ишонч билдираман!

Барчангизга омад ёр бўлсин!

Робохон МАХМУДОВА,
“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси

Тафаккур

АГАР

Агар ҳали ҳам ғазабланаётган бўлсанг, демак, ўзинг билан бўлган курашинг тамом бўлмабди.

Агар ҳали ҳам хафа бўлаётган бўлсанг, демак, кўн-гил уйингнинг гиштлари мустаҳкам бўлмабди.

Агар ҳали ҳам (бировларни) айблаётган бўлсанг, демак, фикрларинг етарлича тиниқлашмабди.

Агар ҳали ҳам севолмаётган ва севгинда собит бўлолмаётган бўлсанг, демак, ҳали ҳам ақл мантигингни қўллаб, ичингдаги севгининг камол топишига тўсқинлик қилмоқдасан.


Агар ҳали ҳам "мен" демокдан воз кечолмаётган бўлсанг, демак, тизгинларинг ҳали ҳам нафсингнинг қўлида ва сен бу тутқунликка бўйин эгмоқдасан.

Агар ҳали ҳам мусибатлардан ғамгин бўлаётган бўлсанг, демак, асл моҳиятни англаб етмабсан.

Агар ҳали ҳам шикоят қилаётган бўлсанг, демак, ҳақиқатни кўролмаясан...

Шамс ТАБРИЗИЙ

Миллат
фидойилари



ХУКМДАН ОЛДИН
ОТИЛГАН ВАЗИР

XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан кейин Бутун-иттифоқ коммунистлар (большевиклар) партияси давлатда ҳукмрон кучга айланди ва ўзининг тажовузкорона ишларини амалга оширишга киришди. 20-йиллар охирилари, 30-йилларнинг бошларида партия аъзолари ва давлат ишларида “тозалаш” бошланади. Натижада партия ва давлат ташкилотларида фаолият юритаётган кўпчилик зиёлилар “халқ душманлари”, “буржуа миллатчилари”, “турли мухолифат” гуруҳлар вакиллари сифатида айбланиб, жазоланади. Москванинг буйруғига кўра 1929 йилнинг февраль-март ойларида Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон Компартиясининг IV съезди “тозалаш” ва “жазолаш” компаниясининг бошланишига йўл очиб беради.

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Дастлаб Туркистон АССР ва Ўзбекистон Республикаси давлат ишларида фаолият юритган ўн саккизта жамоат арбоблари “Ўн саккизлар” гуруҳи номи билан айбланди. Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари Раҳим Иноғомов бошчилигидаги маориф раҳбарлари “Иноғомовчилик”, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси Саъдулла Қосимов бошчилигидаги ҳуқуқшунослар “Қосимовчилик”, республика Олий суди прокурори Шамсиддин Бадриддинов бошчилигидаги ҳуқуқ тизими вакиллари “Бадриддиновчилик”, Маориф халқ комиссари Маннон Рамзий етакчилигидаги халқ таълими вакиллари “Наркомпрос иши”, Мунавварқори Абдурашидхон бошчилигидаги жадидлар “Миллий иттиҳодчилар”, “Миллий истиқлолчилар”, Ашурали Зоҳирий бошчилигидаги қўқонлик зиёлилар “Ботир гапчилар” каби гуруҳлар сифатида қамалди. Қамалланган устидан суд ишларини Москвадан юборилган жазолаш органлари вакиллари — суд раиси Василев Южин, прокурор Катанян олиб бордилар. Улар ҳар бир ишга сиёсий тус бериб, ҳўқоридига гуруҳлар аъзоларини совет давлатига қарши кураш олиб боришда айбладилар. Айбланганларнинг аксарияти отиб ўлдиришга, бир қисми қамқоқ жазосига ҳукм қилинди.

30-йилларнинг бошларидаги “тозалаш” ва “жазолаш” жараёни туфайли Ўзбекистон ССРнинг давлат ва жамоат арбоблари, зиёлиларидан 25 фойздан ортиги партия сафидан чиқарилиб, жазоланган. Бу республикамизда шўро жаллодларни томонидан ўтказилган қатгонларнинг бошланиши эди. Ана шу қатгон қурбонларидан бири — миллат фидойиси Бўтабой Дадабоев эди.

Бўтабой Дадабоев Туркистон Республикаси Юстиция Халқ комиссари вазифасида ишлаганлардан ўинчиси ҳисобланади. У бу лавозимда 1923 йилнинг 14 апрелидан 1924 йилнинг 8 январига қадар фаолият юритган. У таржимаи ҳолида ўзи ҳақида шундай маълумот беради:

“Мен Фарғона областининг Чуст шаҳрида 1888 йилда ишчи оиласида таваллуд топганман. Ўйланганман, учта ўғлим бор. Фаолиятимни ишчиликдан бошлаганман, кейин турли соҳаларда хизмат қилдим. 1900 йилда, отам ҳаёт пай-

тида Чуст шаҳридаги рус-тузем мактабиди тўққиз ой ўқидим. Лекин уни тугатиш насиб этмади. 1900 йилнинг қишида отам вафотидан кейин маблаг етишмаслиги, онамга мен ва учта укамни, кекса момонни боқиш қийин кечганлиги учун ўқишни ташлаб, Ниёзбой исмли пахта савдоси билан шуғулланганидан тожирга хизматкор бўлиб ишга кирдим. Унинг қўлида 1901 йилнинг охирига қадар ишладим.

Тожир билан ишлаш қийинлиги сабабли унинг хизматидан кетдим. 1902 йилдан бошлаб ёзда тери, қишда пахта тозалаш заводларида ишладим. Шу тариқа бу заводлар вақтинча ёпибди. Иш излаб Чустдан Наманганга йўл олдим. Наманганда таниқли савдогар Альперовичнинг дўконига қоровул бўлиб ишга кирдим. Бу ерда 1904 йилнинг охирига қадар хизмат қилдим. Сўнгра Чустга, онам қарамоғига қайтдим. Аммо яшаш оғир эди. Онамининг топгани оилани боқишга етмасди.

1905 йилнинг январиди Тошкентга келдим. Иш излаб бир ярим ой вақтим кетди. Ниҳоят, шаҳардаги докторлардан бирининг амбулаториясига юзурдақ қоровул бўлиб ишга жойлашдим. Ассосий вақтим амбулаторияда иш билан ўтар, иш тугагандан кейин шаҳарнинг турли жойларида яшайдиган одамларга амбулатория жавобларини тарқатардим. Ундан кейин шаҳар фельдшерининг ўй юмушларига қарашардим. Бу хизматларим учун унинг уйида яшаш ва бепул овқатланиш имконига эга бўлдим. Фельдшернинг болалари гимназияда таълим олишарди. Кечкурунлари улардан рус тилини ўраатишларини илтимос қилдим. Уларнинг ёрдами туфайли ва шаҳарда европалликлар орасида яшаганим учун рус тилида ёзиш, ўқиш ва гапиришни ўрганиб олдим. Амбулаторияда ишлаб, фельдшер уйида яшашим 1907 йилнинг кузигача давом этди. 1905 йилда шаҳарда бўлиб ўтган ишчилар исёнида қатнашдим. Одамларнинг Чор ҳукуматидан норозиликлари сабабларини ангай бошладим.

1907 йилда онам вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитганим-

дан кейин Чустга қайтдим. Учта укамни ва кўзи кўрмайдиган бўлиб қолган момонни ташлаб бошқа жойга ишга кетишим қийин эди. Шу сабабли чустлик мулла Маражаб деган пахтачилик билан шуғулланганидан бойга деҳқон бўлиб ишга ёлландим. Аммо бу ишда ҳам барака бўлмади. Ўша пайтларда Чустда аҳвол оғир эди. Шаҳардаги 5 та пахта тозалаш ва битта тери заводларида иш маъсумий бўлиб, ишчи кучи эса ортиб ётарди. Шунинг учун ишни Чустга яқин жойлардан ахтаришга тўғри келди. Ислоий жихатдан ва рус тилидан билимим яхши бўлганлиги учун Наманган уездининг Чодак волостига қишлоқ котиби сифатида ишга кирдим. Бу ерда 1908 йилнинг баҳоридан 1910 йилнинг ёзигача ишладим. Сўнгра Наманган уездининг бошлиғи, полковник Авров томонидан бу волостдан қувилдим. Қувилишимга бир воқеа сабаб бўлди. Ўша пайтларда жойларда урядник лавозимлари ташкил этила бошлаганди. Урядниклар Чор ҳукуматида хизмат қиладиган, халқнинг осойишта яшашига ҳалақат берадиган лавозим эгалари эди. Мен маҳаллий аҳолини бундай лавозимни жойларда ташкил этилишига қарши туришга ташвиқ қилдим. Эвазига Чодак ва Ашт волостларида бу лавозим жорий қилинмади, лекин мен ишдан қувилдим. Бундан ташқари, ўша даврда мен уезд раҳбарлари томонидан 5 сўм штраф ва икки марта — бир гал 7 суткалик, иккинчи марта 14 суткалик қамқоқ жазоси билан жазоландим. Бу жазоларга “раҳбарларга нисбатан ҳурмат сақламаганим” (рус миллатига мансуб раҳбарлар олдида бош эгиб, қуллук қилиб турмаганим) ва аҳоли орасида нотўғри ташвиқот юритганим учун лойиқ қўрилганман”.

Бўтабой 1911 йилнинг баҳоридан бошлаб “Зингер” компаниясининг Чустдаги ваколатхонасида тикув машиналарини сотиб олган мусулмонларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш бўлимида иш бошлади. Аммо бу соҳада кўп ишламади. Шу йили Наманган уездининг бошлиғи Авров ишдан бўшаб кетганидан кейин яна Чодак волостига, аввалги ишига бориб жойлашади. Орадан кўп ўтмай Наманган уездида бошлиқ қилиб тайинланган полковник Богаевский Чодак волостига ҳам келади. Бу ерда Богаевскийга унинг таржимони Капсаломаев Бўтабой ҳақида маълумот берганидан кейин, у Авровчасига иш тутиб, қайтиб келган котибни Чодақда қайта ишламайдиган қилиб “ҳужжатлаштириб”, ҳайдаб юборади.

У яна Чустга қайтиб келиб ишсиз қолади. 1914 йилнинг бошида Чуст шаҳар ҳўжалик бошқармасига журналист сифатида ишга жойлашади. Бунинг сабаби бор эди. Ўша пайтда шаҳар ҳўжалик бошқармасига мусулмондан чиққан Баҳовутдин Яхсин деган участка пристава бош-

У 1916 йилдан кейин полиция таъқибига учрайди. Мардикорликка олишга қарши исёнларда иштирок этгани учун полицмейстерлар томонидан сўроқ қилинади. Областан келган раҳбарга ўша давр қондасига кўра “Ўрнидан туриб, унга қуллук қилиб, салом бермагани учун” жазоланади. Фарғонадаги ҳарбий йиғинлар ўтказиладиган бинода қўйиладиган спектаклга кириш учун борганида “саргта билет сотилмайд” деган жавобни эшитиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб театр раҳбарлари билан жанжаллашиб қолади. Жанжал оқибатида иш иштерговга оширилади. Агар 1917 йилда февраль тўнтарини юз бермаганда Бўтабой Дадабоевнинг узоқ муддатга қамалиб кетиши ёки Сибирга сургун қилиниши аниқ эди.

чилик қиларди. У Бўтабойга ғамхўрлик кўрсатади. Бироқ шу йили ноябрь ойида капитан Закаржевский Чустга раҳбар бўлиб келади ва бу ердаги ҳўжалик ишларига ўз одамларини жойлаштиради. Яхсин Марғилон уездига раҳбарликка ўтказилади. У Бўтабойни Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрига журналист ва котиблик ишига тақлиф қилади. Лекин бу ерда ҳам иш осон кечмади. У 1916 йилдан кейин полиция таъқибига учрайди. Мардикорликка олишга қарши исёнларда иштирок этгани учун полицмейстерлар томонидан сўроқ қилинади. Областан келган раҳбарга ўша давр қондасига кўра “Ўрнидан туриб, унга қуллук қилиб, салом бермагани учун” жазоланади. Фарғонадаги ҳарбий йиғинлар ўтказиладиган бинода қўйиладиган спектаклга кириш учун борганида “саргта билет сотилмайд” деган жавобни эшитиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, театр раҳбарлари билан жанжаллашиб қолади. Жанжал оқибатида иш иштерговга оширилади. Агар 1917 йилда февраль тўнтарини юз бермаганда Бўтабой Дадабоевнинг узоқ муддатга қамалиб кетиши ёки Сибирга сургун қилиниши аниқ эди. Чунки мустамлакачилик қоидалари ана шундай эди...

Китобингизни ўқидим

ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ
КИТОБИ

Буюк Британияда
нашр этилди

Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Шайзоқ Холмўминовнинг “Қишлоқ меҳнат бозори ривожланишини моделлаштириш” монографик тадқиқоти Буюк Британиянинг "LAMBERT" нашриётида инглиз тилида нашр қилинганди. Мазкур монография дунёнинг 7 та (рус, инглиз, немис, италян, француз, португал ва испан) тилига таржима қилиниб, нуфузли электрон ва босма нашрларда чоп этилди!



Баҳодир ҲАСАНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Яна бир қувонарли жиҳати "LAMBERT" нашриёти маҳсулотларини халқаро матбаа бозорида 80 000 та китоб дўкони ҳамда 3 000 дан ортиқ интернет-магазинларидан харид қилиш мумкин.

Мазкур тадқиқотга кўра, ҳозир мамлакатимизда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фойздан ортиги қишлоқ жойларида яшайди ва бу кўрсаткич муттасил ўсиб бориш тенденциясига эга. Бундай ҳолат қишлоқда саноат меҳнати тор доирада қўлланилиши, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажми етарли эмаслиги, меҳнат ресурслари сони иш жойлари микдорига нисбатан тезроқ ўсаятгани, ишчи кучига талаб ва тақлиф ўртасида мутаносиблик таъминланмаганлиги, маҳаллий кадрлар малакаси ва рақобат қобилияти юқори эмаслиги ҳамда уларнинг иш қидириш ҳаракатлари сустлиги билан асосланади.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришнинг самарали механизмларидан бири меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш, ривожлантириш ҳамда тартибга солиш ҳисобланади. Бу ишчи кучига талаб ва тақлиф ўртасидаги ўзвий алоқалар ва зиддиятларни, улар ҳамкорлигининг самарадорлик мезонларини аниқлашга, қишлоқ меҳнаткашлари касб малакасини оширишнинг асосий йўналишларини белгилашга ҳамда жонли меҳнат ресурслари “ортиқча” ва иш жойлари “тақчил” шароитларда ишчи кучига талаб ва тақлифни макроиқтисодий тартибга солишга, пировардида, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқишга имкон беради.

Муаллиф томонидан ўтказилган монографик тадқиқотлар натижасида шундай ҳулосалар юзага келган.

Биринчидан, қишлоқ меҳнат бозорининг самарали шаклланишига ёлланма ҳодимларнинг «меҳнатга бўлган қобилияти»га шахсий ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки ҳусусий мулкчилик ўрнатилиши ва ривожланиши, ишчи кучига талаб ва унинг тақлифи ўртасида бозор мувозанатига эришилши, мулкчиликнинг турли шакллари фаолият кўрсатиши, иқтисодиётда чўқур таркибий ўзгариш (ислохот)лар амалга оширилиши, ноқийшол ҳўжалиги янги иш жойлари яратилишининг қўлайлиши, меҳнат фаолияти соҳаларининг эркин ва мустақил танланиши, иш билан банд ва банд бўлмаган шахсларнинг малакаси, рақобатбардорлиги ва экспорт қилиниши ҳамда уларни моддий рабатлантиришнинг ошиши, бандлик хизмати ташкилотларининг инфра-тузилмасини такомиллаштирилиши каби асосий шарт-шароитлар, омиллар, таъминотларга олиб келади.

Иккинчидан, меҳнат ресурсларининг иш билан оқилана бандлиги қишлоқда ишчи кучига талаб ва тақлиф ўртасида бозор мувозанатларига ва ишсизликнинг табиий даражасига эришиш, мулкчиликнинг самарали шакллари ташкил этиш, иқтисодиётни таркибий ислох қилиш, машғуллотларнинг турини, иш ва яшаш жойларини эркин танлаш, меҳнат сафарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланиши бекор қилиш, энг кам иш ҳақи даражасини аҳоли жон бошига белгиланган минимал истеъмол бюджети микдоридаги ошириш, меҳнат даромадларидан солиқлар ставкасини камайтириш каби шароитларда шаклланади.

Учинчидан, меҳнат сарфлари ТАБини тузишнинг муаллиф тақлиф этган методологияси қишлоқ ҳудуди барча секторларида меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан бандлиги ҳолатини чўқур иқтисодий-математик таҳлил қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади. У ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиқтисодий кўрсаткичларни, иш жойларини меҳнат ресурсларига оқилана мутаносиблигини, ишчи кучига талаб ва унинг тақлифи ўртасидаги бозор мувозанатини, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини ва уларнинг аҳолининг иш билан бандлиги даражасига, меҳнат ресурсларининг тақсимланиши ҳамда қайта тақсимланиши истиқболларига таъсири ва ҚМБ эконометрик моделлари комплекси ахборотлар билан таъминланишини ҳар томонлама асослайди.

Тўртинчидан, истиқболни белгилашнинг муаллиф ишлаб чиққан методологияси қишлоқ аҳолиси иш билан бандлиги ва ишчи кучига талаб ва тақлифнинг яқин келажақдаги ҳолатларини ва улар ўртасидаги фарқларни тўғри аниқлашга, ишлаб чиқариш пасайиши, инфляция ва ҚМБдаги вазият кескинлашуви шароитларида кадрларни тайёрлаш кўрсаткичларини ишончли режалаштириш имкониятини яратди. Унинг истиқбол кўрсаткичлари мазкур бозор фаолияти мақсадли комплекс дастури ахборот билан таъминланишини яхшилашга олиб келади.

Бешинчидан, қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш бўйича муаллиф ишлаб чиққан методология асосида яратилган эконометрик моделлар комплекси ёрдамида ишчи кучига талаб ва тақлиф вужудга келишининг макроиқтисодий ва демоижтимоий кўрсаткичлари, ишчи кучига талаб ва тақлиф ҳамда улар ўртасидаги нисбатни ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш ва аҳолининг оқилана бандлиги шаклланишининг энг мақбул вариантлари ва ишсизликни камайтириш ҳамда мазкур бозорни ривожлантиришнинг рационал параметрлари аниқланади.

Олтинчидан, статистик ҳисоботнинг муаллиф тақлиф этган янги шакллари ёрдамида тупланган маълумотлар яратилган эконометрик моделлар комплексининг ахборот таъминотини сезиларли даражада яхшилаш ва меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини, бўш иш жойлари микдорини, ишчи кучига талаб ва унинг тақлифи ҳамда баҳоси миқёсини, ишга жойлаштириш ҳолатини, лекин банд бўлмаган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ҳолатини, қишлоқ ҳўжалигининг асосий қорхоналаридан ҳодимларнинг қисқартирилиш, иш билан бандликка қўмақлашиш жамғармасининг пайдо бўлиш ва сарфлаш манбаларини, ҳисобот ҳамда истиқболни белгиланган даврларида ҚМБдаги вазиятларнинг ўзгаришини аниқлашга имкон беради.

Ҳулоса қилиб айтганда, бозор иқтисоди муносабатлари ривожланиши шароитларида муаллиф ишлаб чиққан қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши стратегик концепциясида ишчи кучига талаб ошиши ва унинг тақлифи камайиши бўйича иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий устувор чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида меҳнат ресурсларининг иш билан оқилана бандлигини таъминлашга ва ишсизликни табиий даражасигача камайтиришга эришиш мумкин.

МУЛОҲАЗА.
МУШОҲАДА.
МУНОЗАРА

Хар бир йигит учун болалигиданоқ биринчи идеал қахрамон ҳамisha отаси бўлиб келган. Отамиз тимсолида куч-қудратни, бошқарувчанликни, бир сўзли бўлишни ўрганамиз. Бонси оиладаги маънавий-маърифий, иқтисодий муҳит барқарорлиги оила бошлигининг қатъияти, масъулиятига узвий боғлиқ. Шунданми уларга нисбатан муносабат, азалий қарашлар ўзига хос бўлган. Масалан, хали-хануз миллий одатларимизга кўра эркак киши келаётганда хотин-қизларнинг унга рўбарў юриб келиши, йўлини кесиб ўтиши номакбул саналади.

Юқоридаги фикрлар орқали айтмоқчи бўлганим – китобларда ёзилмаган, бироқ одатга айланган миллий анъаналаримизда эркак кишининг салобати, улуғворлиги мужассам.

Аммо ҳозир-чи? Ҳаётимиз сония сари ўзгараётган ҳамда гарб ва шарқ маданияти турли ташқи омиллар орқали "омухта" ўзлаштирилаётган бир пайтда ўзбек оилаларидаги ота қатъияти, йиғитлик гурури, ор-номус, лафз тушунчаларини аввалгидек сақлаб қола оламизми? Жавоб беришга келганда ер чизиб қолаётганимиз оғриқли томонимиз эмасми?



БУРГУТНИ КАКЛИККА
АЙЛАНТИРМАЙЛИК

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,
"Адолат" СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси

ҲА-А, ЭРКАК, ЭРКАК...

Ижтимоий тармоқлар чикди, ҳўп кироий иш бўлди-да. Нега дейсизми? Биргина кўлимиздаги кичик қўрилма орқали ҳар қандай маълумот, ОАВ махсусотини осонликча қабул қила оламиз. Бундай интернет манбаларида юксак савиядаги медиа махсусотларидан тортиб, қайнона-келин можароси, машхурларнинг "эртакнамо" ҳаёт тарзи акс этган контентлардан истаганимизча топилади.

Лекин улардаги қахрамонлар... Масалан, инстаграм тармоғида кўплаб йигитлар рақсга туиши, кўшиқ айтиш орқали аудитория йиғишга зўр беряпти.

Севган қизи ташлаб кетгани учун кўпиркдан сакрамоқчи бўлган, иши юришмаганда айоханнос солиб, муаммоларини айтганча кўзёш тўкадиганлар ҳам кун сайин ортиб борапти. Хотинчалиш, на йигитлигини, на аёлигини билиб бўлмайдиган нухалар пайдо бўлмоқда. Бундай ҳолатлар миллатнинг асл йигитлари шаънига доғ бўлиб турмоқда. Натижада инстаграм тармоқларида уларга нисбатан эътирозли фикрлар янғрамоқда:

Йигитлар томонидан "Ҳа-а, эркак, эркак...", "Ўзбекистонда газ ёки свет тугаси ҳам бундайлар тугамайди" қабилидаги изоҳлар ёзилса, қизлар томонидан "Армия ўзимизга қолиб кетди", "Дуоаналар, сафимиз яна биттага ортди" қўрнинидаги фикрлар қолдирилган. Катта авлод вакиллари эса "Афсус, сен тугилганинда отанг бечора ўғил кўрдим, деб элга ош берганда", "Сенгамас, ота-онангага қийин бундай иснодни кўтариб юриш" дея изоҳлар ёзишган.

Адабиётимизнинг таниқли дарғаси Чўлпон халқимиз бошига оғир истибоддў занжирлари солинган ўша машъум даврда, қони қайноқ, миллатпарвар асл эр йигитларга чорлов сифатида ўтинч билан "Юрт эгаси – сор бургутлар қаерда?" деб ёзади. Маъжозан олганда, бугун айрим йигитларимиз бургут эмас, майна бўлиб қолаётгандек...

Буни кўпчилик гарб таъсири, деб баҳоламақда. Лекин шарқона фарзанд тарбияси миллатимизда ҳамisha эътибор марказида бўлиши, дилбанд камолоти эса кечиктириб бўлмайдиган масъулият эканини инобатга олсак, нега жамоатчилик бунга бефарқ бўляпти? Ижтимоий тармоқлар орқали бундай "йигитлар"нинг тани-

бекистонда эркаклар аёлларга нисбатан ўртача ҳисобда 5-8 йил кам умр кўришяпти. Чунки уларнинг организми жисмонан бақувват бўлса-да, маънавий-маиший муаммоларга, қийинчиликларга нисбатан чидамсиз.

БОШҚА САБАБЛАР ҲАМ БОР...

Давлат қадриятларга асосланган оилада тарбия оладиган баркамол фарзандлар билан ўз келажигини қура олади. Ота-онанинг жараёндаги роли муҳимлигини инобатга олсак, ота бири сўзли бўлиши, фарзандлар ундан ҳақиқий туриши керак. Айниқса, ўғил болалар. Ҳўш, айрим ўғил болаларнинг аёлмонанд бўлиб қолаётганига, муаммо ва тўсиқлар олдида оқизлик қилаётганига яна қайси омиллар сабаб бўляпти? Шу савол билан турли соҳа вакилларига юзландик.

– Мактабларда 20-30 йилдан буён таълим ва тарбия бериш асосан аёл ўқитувчилар қўлида қолиб кетяпти, – дейди **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Олимжон Тошбоев**. – Болалар уйда онадан, мактабда муаллимдан сабоқ ола бошлади. Ва аксар ҳолларда бу ҳолат ўғил болаларда йиғитлик хусусиятларининг шаклланишига, метин ирода сохиби бўлишига халақит беряпти. Муаммонинг асосий сабаби сифатида мен шуни келтири олам. Чунки тарбияни ўғил бола эркакдан олиши керак. Шундан келиб чиқилса, мактабларга эркак ўқитувчиларни қайтариш керак.

– Яқинда бир таниқли шахснинг ўғли ўз жинсини ўзгартиргани ўзбек аудиториясида катта норозилик резонансини вужудга келтирди, – дейди **"Тонг юлдузи" газетаси ижодий ходими, журналист Хусниддин Ғўломжонов**. – Аслини оиланда, тармоқларда мана шу каби ўзбекчиликка ёт ҳаракатлар, мафқуралар фаол тарғиб қилинаётганининг салбий оқибатлари айнан сиз айтган ҳолатлардир. Омма бунга қўнқияпти, мурасасизлик қайфияти паст.

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОНДЕК...

Халқимизда бир пурмаёно фикр бор: **"Топган – гул, топмаган – бир бог беда"**. Ижтимоий тармоқлардан мавзу доирасида топган оғриқли мисолларимиз бир бог эмас, бир том бўлиб кетгандек. Яқинда телеграмда турмуш ўртоғининг машинасида 68 мартаба маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ва 28 миллион сўмлик жарима тўловини қайнотасига

тўлатган куёв ҳақидаги хабарлар кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди.

Бир аёл блогер ёзяпти: **"Ҳамма эримни ландавур, хотинқули дейишади. Буни қаранки, хотинини урадиган, у билан баб-баробар айтишадиган эркакларда аёллик ғормони кўп бўларкан. Бундан кўринадики, менинг эрим – ҳақиқий эркак. У ҳеч қачон мен билан жанжаллашмаган. Айтганимни қилган. Мен нима десам, шундай бўлади"**. Бамайлхотир кимнинг эри ҳақиқий, кимники хотинчалиш эканини айтиб ўтирадиган, "оила бошлиғи" бўлган аёл блогерга кўпчилик эътироз билдиришди.

Инстаграмга кираман. Таниқли йигитлар чиройини кўз-кўз қилиш орқали ўзини бозорга солаётганини кўриб ажабланаман. Чунки шундай йигитларга қизлар танишайлик, деб ёзишаркан. Ахир, авваллари оила қуришда қизлар томон йигитлар ташламаган эдими дастлабки қадамми?

Ваҳоланки, бугунги тармоқ вайнларида тутуриқсиз мавзуларни олиб чиқишдан чарчамайдиган «қахрамон» блогерларимиз эр ва хотин ўртасидаги муносабатларда эрни хотиндан кўрқади-қандай ҳолатга олади, билолмадим... Дард устига чипқон деганлари шу бўлса керак.

Келинг, шу ўринда ўзбек оилаларидаги ота ўрнини бир таҳлил қилайлик. Кўп ҳолатларда фарзандлар отасига фикрларини очик-ойдин айти олмайдди, айниқса, қиз болалар онаси воситачилигида отаси билан мулоқот қилади. Эркак аёлини ўз исми билан қачирмайдди, балки катта фарзанднинг исми билан мулоқот қилади. Бу эса оилада маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини кўрсатадиган омиллардан бири.

– Оилада 1 ўғил, 6 қиз катта бўлганми, – дейди **66 ёшли Мақсуда ая**. – Онам раҳматлик бўйга етиб, то туришга чиққунимизга

дадамнинг гап-сўзларини, танбех ёки юмушларини бизга айтиб турган. Ўзингиз биласиз, 6 қиз 6 хил характер, дегани. Ишонмаслигингиз мумкин, опа-сингиллар бир мартаба бўлса ҳам тортишмаганми. Чунки онам: "Ҳой, даданг сезмасин. Жаҳли чикса, яхши бўлмайди", дердилар. Отамиздан кўрқардик, тик қараш ҳаёлимизга келмасди. Вақтлар ўтиб, ота-онамизнинг раъйи билан турмушга чиқдик. "Эринг – пиринг" деб ўқитишган бизга. Ҳомилдорлик пайтида уйга келсак, озгина ўтираганимиздан кейин онам: "Энди кўзинг ёрмагунча, отанг ва аканг олдида бундай юриш жоизмас", деб келинлик уйимизга қайтариб юборарди. Ҳозир-чи? Аёл бир сўм топса, эрни ҳурмат қилмайди, оилада бош бўлишга интилади. Ажралишлар сонининг ошаётгани ҳам шундан эмасми? Оилада ҳурмат ва ишонч ҳўкм сурса, аёллар эри билан тортишмасдан, ҳўп деса, бахт кўргони мустаҳкам бўлишини унутмаслик керак.

– Илгарилар ўзини бир неча ёшга каттарттириб, уруш оловига юз тутганлар адоқсиз эди, ҳозир бир ошлқ армияга боришдан ҳадиксираётганларни кўриб юртни Алпомишлар ташлаб кетдими, деб ўйлайман, – дейди **журналист Сугдийна Саид**. – Ҳатто аёл доминантлик қилган гарб кинофильмларида мутаассир айрим миллий киноларимизда ҳам эркак эмас, айнан аёл устуворлик қилган сахналарга дуч келарди. Мазкур эпизодлар аудиторияга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди, албатта. Тагин бир жиҳат – охириг пайтларда аксар аёллар оиладаги моддий таъминотни, бошқарувчанликни ўз бўйнига олган. Шундан кейин ҳам ўша «ожаш» эркакка қуллўқ қилдими? Менимча, аёллар ўрни келганда ҳатто рўзгордаги кичик ишларда ҳам лутф ила умр йўлдошидан кўмак сўрагани маъқул. Шунда эркак ўзининг оиладаги ўрнини чуқурроқ аналайди. Бошқача айтганда, бургутни макиён какликка айлантирмайлик!

Мухтасар қилиб айтганда, эркак – оила ҳимоячиси, бахт кўргонининг асосий устгани. Унинг ҳўрматини жойига қўйган аёл оилада тотувликни таъминлайди, фарзандлари тарбиясида улкан ютуқларга еришади. Шундай оилаларда камол топган йигитларгина аёлларни эъозлашми, кези келганда, хонтахтага мушт тушириб бўлса ҳам тартиб ўрнатишни ўрганадилар. Индаллоси, йигитларнинг қиз бола характер бўлиб қолмаслиги, жинс этикасида алмашинув кузатилмаслиги ҳам айнан шунга боғлиқ. Демак, оилада эркакнинг ўрнини мустаҳкамлаш учун жамиятдаги умуминсоний қадриятларга зид тарғиботларга қарши курашиш, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни ихоталаш керак. Агар бунга эътиборсизлик давом этса, жамият учун фожиага айланиши ҳеч гап эмас.

БУ ҲАҚДА
БИЛАСИЗМИ?

ЗУМЕРЛАР -
янги авлод
вакиллари

Бугун кекса авлод вакиллари билан суҳбатлашсангиз, аксарияти невараси ёки кичик ёшдаги фарзанднинг қўл телефонининг "у ёғидан кичиб, бу ёғидан чиқиб кетишиндан" нолийди. Бундан фахрланадиганлар ҳам кам эмас. Ёхуд чакалоқнинг телевизор ёки планшет экранига қараб жим ётиши, гўёки уларни томоша қилиб тушуниши бизга ғалати туюлади. Хавотир олманг: ҳамма гап авлодлар ўртасидаги фарқда.



Мафтуна АЛИМОВА,
Жиззах давлат педагогика
университети талабаси

Фанда бу "Авлодлар назарияси" деб номланади. Уни 1991 йилда АҚШлик социологлар Н.Хоув ва В.Штраус амалиётга киритишган. Эътибор қилсангиз, авлодларнинг хусусиятлари улар туғилиб ўсган даврга жуда ҳам боғлиқ ва бу кўплаб муаммолар ечимига хизмат қилади.

Айни вақтда таълим даргоҳларида Z авлод вакиллари таълим олишмоқда. Улар 2000-2013 йилларда туғилганлар бўлиб, "зумерлар" деб номланади. Уларнинг асосий хусусиятларига қараб, бугунги ёшларнинг маънавияти, дунёқараш ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Бу даврда туғилганлар ҳаётини интернетсиз тасаввур қила олишмайди. "Қўлида телефон билан туғилган" деган ҳазил таърифлар аслида чин. Улар ахборот технологияларини ҳаётининг ажралмас бўлагига айлантиришган ва дўст орттириш, иш топиш, машхур бўлиш учун фақат ва фақат интернетдан фойдаланадилар. Анъанавий таълим уларни қониқтирмайди. Уларга онлайн курслар ва мустақил таълим кўпроқ мос келади. Жуда ақли ва билимли бў болалар табиатнинг, экологининг ҳавф остида қолаётгани, ҳаттоки сиёсатчиларнинг қарорларини муҳокама қилиш даражасида бўладилар. (Ҳар бир оилада бундай болалар бор). Улар ҳар бир инсон шахсиятини ҳурмат қилади, одамларнинг такрорланмас эканлигига ишончи кучли бўлади.

Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ота-оналар ва педагогларга тавсиялар ҳам мавжуд. Жумладан, зумерларга бақириб, овозни баланд кўтариб гапириб бўлмайди, уларни тўғридан тўғри танқид қилиш мумкин эмас. Улар расмий ёндашувларни ёқтиришмайди. Кўпчилик ўйлаганидек, уларни интернетдан узиш, телефонини чеклаш қўтилган натижа бермайди. Қайтага уларнинг ижтимоийлашуви, шахс сифатида шаклланиви, теварак-атроф билан танишуви ўша технологиялар орқали содир бўлади. Уларга узоқ гапиришдан кўра қисқа роликлар, инструкциялар ва ривожлантирувчи ўйинлар кўпроқ тушунарли кечади. Ижодкорлики ривожлантириш барча болалар каби зумерлар учун ҳам муҳим. Бу уларнинг дунёқарашини ривожлантириш, пул ишлаб топишнинг янги шакллариини ўйлаб топишда асқотлади.

Ҳаммада бўлгани каби бу авлод вакилларида ҳам заиф томонлар бор. Қисқа ва тезкор маълумотлар чуқур мулоҳаза қилишга имкон бермайди. Улар тайёр хулосалар, аниқ фикрларга таяниб қолишган. Маълумотни тез излаб топиш хоҳиши уларни хотирада сақлаб қолишдан кўра муҳимроқ. Шу сабаб тезкор хотира уларда ниҳоятда устул бўлади. Турфа янгиликларга ўч бўлгани учун семимли машғулотиин тез-тез алмаштириб туради. Бу эса ота-она ва ўқитувчини асабийлаштириши мумкин. Яққол кўзга ташланувчи жиҳати эса уларнинг мулоқотга кириша олмаслиги. Улар учун реал ҳаётдан кўра онлайн мулоқот кўпроқ қулай ва қизиқарлидир.

Бу эса анъанавий таълим шакллариини авлодлар ўртасидаги фарққа қўра ўзгартиришни такозо этади. Маъруза, назорат иши кабилар керакли натижа бермаслигини аниқ, Бу каби тадқиқотлар бугун кўпчилик ўйлаётганидек, интернет ва телефон ёшлар тарбиясига фақат салбий таъсир кўрсатиб қолмасдан, қайтага уларнинг туғма интилиш ва қобилиятларини очиб бериши, истеъдодини намоян ётиши, бинобарин, ҳозирги ёшларни тушунишга ёрдам бериши мумкин. Ота-оналар ва педагоглар олдидаги асосий вазифа ҳозирги ёшларни яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратишга ўргатишдир.